

## ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январь куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги "Highway Logistics" логистика марказига ташриф буюрди. Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, замонавий қўлайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди. Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. Бу ерда марказлашган маҳсулотлар омбори, божхона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва қўриқдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматлари кўрсатиш, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш дастур-

лари тақдироти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Зангиота туманида мажмуасини зиёрат қилди.

Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Шу ерда Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Янгийўл шаҳрида қарийб 87 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда 241 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой куриш, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалардан шаҳарда оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастури, Қибрай ва Зангиота туманларида сув таъминотини яхшилаш, Чирчиқ шаҳрининг иссиқлик тизимини такомиллаштириш каби маълумотлар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Анвар Тошевнинг хонадонидан бўлди.

Бугунги кунда ушбу маҳаллада 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Шавкат Мирзиёев маҳалла аҳли билан мулоқот қилди.

Кейинги манзил Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси бўлди.

Шавкат Мирзиёев тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишди. Беморлар аҳоли, турмуш шароити билан қизиқди, мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари шифохонанинг кардиология бўлимида даволанаётган Зулайхо Алиева билан суҳбатлашди, унинг турмуш шароити, оиласидаги аҳвол билан қизиқди. Шу куннинг ўзида Президентимиз топшириғига биноан З.Алиева пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига даволанишга юборилди. Шунингдек, ушбу оилга уч хонали янги уй ажратилган бўлди.

Янгийўл туманида 262 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмасининг биринчи биноси 1912 йилда қурилган. Сўнгги биноси 1979 йилда фойдаланишга топширилган. Кейинги йилларда биноларда қисман таъмирлаш ишлари бажарилган. Бугунги кунга келиб шифо масканининг аксарият бинолари маънан эскирган. Тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш даражаси ҳам замон талабларига жавоб бермайди. Оддий ҳолатларда ҳам беморлар пойтахтдаги тиббиёт масканларига қатнаб, муолажа

олишга мажбур бўлмоқда.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад одамларни рози қилиш, саломатлигини янада мустаҳкамлашдир, деди Президентимиз. Жойлардаги аҳвол билан танишаётганимиз, тиббиёт муассасаларидаги шароитларни ўрганаётганимиз келгуси ишларимизни тўғри йўлга солишда яхши самара беради.

Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси ҳудуди салкам 10 гектар. Давлатимиз раҳбари бу ерда яқин келажакда 5 гектарда 20 дан ортиқ йўналишда хусусий, қолган қисмида давлат тиббиёт муассасалари ташкил этиш, уларни энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимиз Қуйи Чирчиқ туманидаги собиқ "Каноп" заводи ҳудудида бўлиб, қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини кўздан кечирди, аграр соҳани ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган хомашдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган барча жараённи ўз ичига олган кластерлар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бундай чора-тадбирлар яхши натижа бермоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Бўка туманларида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кластер лойиҳалари билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ф.И.ИБРАГИМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Фуломжон Иномович Ибрагимов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 январь

## Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман кенгашларига "Матиз" автомашиналари, шуниингдек, юртимизнинг ижтимоий-сиёсий турмушида фаол иштирок этаётган ёш оилаларга янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон уй-жойлар топширилди.

## ЁШЛАР САРДОРЛАРИГА АВТОМАШИНАЛАР

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Элликқалъа, Қўнғирот, Мўйноқ, Тахтақўпир, Тўртқўл, Ҳўжайли, Чимбой туманлари ҳамда Нукус шаҳар кенгашларига "Матиз" автомашиналари, 48 та ёш оилга икки ва уч хонали уй-жойларнинг калитлари тантанали равишда топширилди.

Президентимизнинг фармони ва қарорлари ижросини таъминлаш, жинойатчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг бандлигини таъ-

минлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда, – деди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мўйноқ тумани кенгаши раиси Саламат Иниятлов. – Туман кенгашига автомашина берилгани Оролбўйининг энг шимолий ҳудудида яшаётган ёшларимизни қувонтирмоқда. Юртбошимизнинг биз, ёшларга билдираётган ишончини оқлаш учун келгусида ҳам фидойилик билан хизмат қилами.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

## «HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚАРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги тарихий-маданий, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига Буюк ипак йўли муҳим ўрин тутган.

Глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида Буюк ипак йўли аъналарини қайта тиклаш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг минтақада муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашдаги интилишлари ҳам ана шундай мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.



Тошкент вилояти Зангиота туманида "Highway Logistics" замонавий логистика марказининг қад ростлагани бу борадаги эзгу интилишларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 январь куни Тошкент вилоятининг Зангиота туманига ташриф чоғида ушбу марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, барча қўлайликларга эга марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Грузия, Қозоғистон каби давлатларнинг логистика соҳасидаги тажрибаси ўрганилди. Ички ва ташқи бозор кўрсаткичлари, талаблари инobatта олиниб, халқаро ва миллий миқёсда юк ташиш хизматларини кўрсатиш,

юкларга тезкор ва сифатли ишлов бериш, уларни жўнатиш тармоғи барпо этилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган, ҳудуди 14,2 гектар майдонга тенг марказда 350 иш ўрни яратилди. Корхонанинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннани ташкил этади.

– Мазкур лойиҳа мамлакатимиз ва хорижий тадбиркорларнинг экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш, уларга сифатли хизмат кўрсатишни назарда тутди, – деди "Highway Logistics" маркази бошқаруви раиси Анвар Турдалиев. – Яъни хорижий юк автомобиллари пойтахт ҳудудида қирмаган ҳолда, шаҳар экологик

инфратузилмасига зиён етказмай, юкларни мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш ва чиқиш ишларини ушбу логистика марказининг ўзида амалга ошириш имконияти мавжуд.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. У ерда марказлашган маҳсулотлар газнаси, божхона пости, банк, декларация тўлдириш, сертификатлаштириш ва қўриқдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматларини кўрсатувчи, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган. Барча хизматлар "Ягона дарча" маркази орқали амалга оширилади.

Маълумотларга қўра, юк ташувчи автомобиль ҳайдовчиларининг кунлик харажатлари хорижий давлатларда ўртача 35-40 АҚШ доллари атрофида баҳоланади. "Highway Logistics" марказида эса уч маҳал иссиқ овқат, мехмонхона хизмати ҳамда автотураргоҳ учун ўртача 20 АҚШ доллари миқдоринда ҳақ тўлаш kifoya.

Логистика марказида хорижий юк автомобилларини қайд этиб бориш тизими мавжуд. Бу хорижий юк машиналарининг орта қўшимча юк ташиш орқали харажатларини қоплаш, ўз навбатида, экспорт товарларини икки баравар арзон нархларда манзилига элтиш имконини беради. Натижада экспорт қилинаётган товарлар учун йўл харажатлари камайиб, маҳсулот таннархи арзонлашади.

– Ушбу тизим хорижий корхоналарга қўшимча қўлайликлар яратиш, тўғридан-тўғри ҳамкорлик қўламини кенгайтириш имконини беради, – деди "Highway Logistics" маркази бошқаруви раиси ўринбосари Дониёр Сотволдиев.

(Давоми 2-саҳифада)



Жамиш НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

Фузур туманидаги "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси 2018 йилни ўзгача қувонч билан қарши олди. Маҳаллада янги оилавий поликлиника иш бошлади.

Бир неча йилдан буён қаровсиз, ташландиқ ҳолда ётган икки қаватли бинода "Чироқчи долгонлиқ" хусусий қурилиш корхонаси томонидан қарийб 400 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, поликлиникага ихтисослаштирилди. Хоналар замонавий тиббий асбоб-ускуналар, текширув аппаратлари билан жиҳозланиб, кадрлар захираси мустаҳкамланди. Айтиш пайтда янги муассаса имкониятларидан ҳудуддаги 6 қишлоқнинг 20 мингдан ортиқ аҳолиси фойдаланмоқда. Уларга умумий амалиёт шифокори, терапевт, жарроҳ, педиатр, гинеколог, стоматолог каби 10 нафар малакали шифокор ва 60 дан

зиёд ҳамшира тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди янги ташкил этилган 43-оилавий поликлиника бош шифокори И.Ҳимматов. – Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида қишлоқ врачлик

пунктлари оптималлаштирилиб, улар негизда қишлоқ оилавий поликлиникалари барпо этилмоқда. "Халқобод", "Янгиобод", "Баттош" ва "Мўминобод" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида фаолият юритган қишлоқ врачлик пунктлари негизда ташкил этилган муассасамиз ишга тушиши билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайди. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида поликлиниканинг иш вақти эрталаб соат 8 дан кечқурун соат 20 гача қилиб белгиланган. Шунингдек, тез тиббий ёрдам шохобчасининг бу ерга қўйрилгани тиббий хизматни узлуксиз, туну кун ташкил этиш имконини яратди. Ў.БАРОТОВ, ЎЗА мухбири.

# ИСЛОҲОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, Куйи Чирчиқ туманида 2018-2020 йилларда пахта етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни ўзида тўла жамлаган кластер лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 59 миллион доллардан зиёд инвестиция жалб этилади, 600 дан ортиқ иш ўрни яратилади. Жорий йилда мамлакатимизда 60 дан зиёд ана шундай лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Куйи Чирчиқ туманида "Gold Agro Standard" масъулияти чекланган жамияти томонидан гўшт етиштиришга ихтисослашган қиймати 7 миллиард сўмлик чорвачилик фермаси ташкил этилмоқда. 2018 йилнинг тўртинчи чорагида ишга туширилиши режалаштирилган мазкур мажмуа аҳолига йилга 360 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб беради. Лойиҳа амалга оширилган, 25 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Бекобод туманида агрологистика маркази ташкил этиш лойиҳасида мева-

сабзавотларни мулатиш, қуритиш, қадоклаш ва сақлаш кўзда тутилган. Умумий майдони 2,5 гектар бўлган марказ 2019 йилнинг учинчи чорагида ишга туширилади. Бунинг натижасида 200 нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Йилга 8,6 миллион долларлик маҳсулот Япония, Жанубий Корея ва Европа Иттифоқига экспорт қилинади.

Шунингдек, Тошкент вилоятида амалга ошириладиган чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни янада ривожлантириш, каноп етиштириш, шолини қайта ишлаш, спорт ва хизмат отлари учун карантин ҳамда ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича ҳамда от заводи мажмуаси, иссиқхоналар ташкил этиш каби лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аҳоли, жамоатчилик вакиллари билан ўтказган учрашув ва мулоқотлари чоғида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига

ота-оналардан бўлган мурожаатларда умумтаълим мактабларида 10-11-синфларни ташкил этиш юзасидан кўллаб тақлифлар билдирилди.

2017/2018 ўқув йилидан мактабларда 10-синфлар ташкил қилинган муносабати билан касб-хунар коллежларининг бўш ётган биноларидан янада самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

Президентимизга Оққўрғон туманидаги собиқ касб-хунар коллежлари биносидан самарали фойдаланиш, аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш, хунармандчилик тўғрисидаги ташкил этиш тақлифи билдирилди. Оққўрғон курилиши ва коммунал хўжалиги коллежи биносидан ёшларни касбга тайёрлаш ва миграция маркази ташкил этиш, "Жамоатчилик маркази", "Оққўрғон савдо маркази" каби лойиҳалар ўрин олган.

Бўш турган объектларни сотишда очкилик ва адолат тамойилларига амал қилиш зарур. Бунинг учун электрон савдоларни йўлга қўйиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда туман марказини замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида қайта қуриш, эски бозорни янги жойга кўчириш ва ўрнида кўркам боғ барпо этиш, шаҳар Бош режаси лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди. Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, уларни янада такомиллаштириш, янги иш ўринлари яратиш лозимлигини таъкидлади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, молиялаштириш манбасини кенгайтириш, тadbиркорликни кўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш, ижтимоий шароитни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида сўз юритди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ғ.Ибрагимов Тошкент вилояти ҳоқими этиб тасдиқланди.

ЎЗА

## ХОРИЖЛИК АРБОБЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ ХУСУСИДА

Матиас Дорнфельдт, Кавказ ва Каспий тадқиқотлари Европа институтининг директори (Германия):

— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президентини лавозимда аллақачон улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Халқ ва ҳукумат муртабасидаги ўзаро ҳамкорлик учун тузилган виртуал қабулхоналарнинг дунёда муқобили йўқ. Бу шаффофликни, жамоатчиликнинг давлат тизимларида ишончини оширади, коррупцияни минимум даражага туширади. Иқтисодиёт соҳасида кўпгина янгиликлар рўй берди: валюта бозорининг либераллашуви, сармоя учун объект сифатида Ўзбекистон жозибдорлигининг ошиши, сайёҳлик учун имкониятларнинг кенгайиши, солиқ тизими ва божхона расмийлаштиришларидаги ўзгаришлар... Булар муҳим мисолларнинг айримларигина холос.

Бирок бу ҳали фақат бошланиши. Ўтган йил 22 декабрь куни миллий парламентга Мурожаатнома билан юзланар экан, Шавкат Мирзиёев ўзбек жамияти ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ўзгариштиришнинг концепциясини тақдим этди. Мамлакат раҳбари олдинда турган ислохотларни батафсил баён қилди, улар шу пайтга қадар давлатнинг ривожланишига халақит бериб келган тизимни ўргатириши лозим. Бу инқилобий қадамдир. Ва бунда мамлакат етакчиси ўз ватандошлари томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётгани баробарида дунёнинг етакчи сиёсатчилари ўртасида катта ҳурмат қозонаётди.

Бен Же Йл, "Корея – Ўзбекистон" парламент дўстлик ассоциацияси раиси (Корея Республикаси):

— Ўтган йил давомида Ўзбекистон халқи барча соҳаларда диққатга молик муваффақиятларга эришди: мамлакатда сиёсий барқарорлик ҳиммат сурмоқда, иқтисодиёт ўсиши таъминланмоқда, хорижий сармоялар ҳамми кўпаймоқда, аҳоли фаровонлигининг даражаси муртабасида ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда кўпдан-кўп давлатлар ва ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни фаол ривожлантираётган Ўзбекистон Республикаси халқорой майдонда жаҳон сивасининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Ўтган йили Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилган кенг қамровли ислохотлар мамлакатнинг тўғри йўлдан бораётганини кўрсатди.

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев вазиятни яхши томонга ўзгариштиришига: Давлат раҳбари томонидан 2018 йил мамлакатда "Фаол тadbиркорлик, инновациялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили", деб эълон қилиш тақлифи этилгани хорижий сармоядорларга республикада янада фаол иш олиб боришлари учун муҳим даяват ва рағбатдир.

Қудайбергел Ерман, Қозоғистон Республикаси парламенти депутати:

— Халқ давлат органларига эмас, балки давлат идоралари халқ учун хизмат қилмоғи керак" деган гоя Ўзбекистон раҳбари фаолиятининг энг асосий тамойили бўлиб қолди. Виртуал ва халқ қабулхоналари фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича ўзига хос демократия институтига айланди. Аҳолининг ўзи сайлаб етакчи бўлган ишончи республикада халқ ҳоқимини сўзда эмас, балки амалда эканлигини тасдиқлайди.

Ирина Черных, Қозоғистон Стратегик тадқиқотлар институти бош илмий ходими:

— Мурожаатноманинг ўзи сингари Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналарида мазкур нутқ билан тўғридан-тўғри эфир орқали танишиш биринчи мартаба ташкил этилди. Бу далил Ўзбекистонда давлат – ижтимоий муносабатлари либераллашувдан ҳамда реал демократик ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради.

Маълумки, 2017 йил Ўзбекистонда "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" шiori остида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" бўлди. Мамлакат етакчиси ўз Мурожаатномасида мамлакатни ислохот этишининг энг муҳим масалаларида, қонуний муҳокамасида фуқаролар янада фаол, жумладан, янги ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, иштирок этишларига жалб қилиш зарурлигига яна бир бор ургу берди.

"Менинг фикрим" махсус веб-саҳифасини ташкил қилиш гоёси менга жуда ёқди. Унда ҳар бир киши ривожланиш, маҳаллий ҳам-жамиятлар ва, умуман, мамлакат тараққиёти юзасидан ўз фикрини баён этиши, муайян тақлиф ва тавсиялар бериши мумкин бўлади.

Сулейман Эрдём, Sahipkiran Стратегик тадқиқотлар маркази (SASAM) директори (Туркия):

— Мазкур Мурожаатномада Ўзбекистонни ривожланишининг янги босқичига олиб чиқиш учун янги ва кучли гоёлар кўп. Унинг давминини ўтган йиллар давомидаги чиқишлар билан таққослаш таҳлили мамлакатда давр ўзгаришларини кайд этишга имкон беради. Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида жиддий камчиликлар мавжудлигини дадиллик билан эътироф этди экан, концептуал муқобил тараққиёт йўлини ҳам тақлиф этди.

Давлат раҳбари тўлланиб қолган муаммоларни муҳокама қилишдаги кўпгина таъкидларни олиб ташлади, бугунги шароитларда замонага мос келмайдиган давлат бюджетини шакллантириш тизими ва молиявий курсаткилар тузиш тўғрисидаги кайд этишга имкон беради. Масалан, Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувида жиддий камчиликлар мавжудлигини дадиллик билан эътироф этди экан, концептуал муқобил тараққиёт йўлини ҳам тақлиф этди.

Шунинг учун бугун ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ривожланишининг янги, демократик даражасига чиқиб олди, давлат органларининг халқ билан мулоқоти эса аллақачон доимий мезъерга айланмоқда.

Месут Эмре Каракоз, Туркия вазирлар кенгаши ҳузуридаги Ахборот ва матбуот бошқармасининг эксперт-таҳлилчиси:

— Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий адолат, халқ фаровонлиги ва инсон манфаатлари тамойили энг муҳим масалага айланган. Шу нуктага назардан Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга тақдим этган мазкур Мурожаатномаси – мамлакат демократлашуви ва фаровонлашувидаги янги ҳамда муҳим босқич даража. Давлат органлари ва фуқаролар жамияти ҳамкорлигида мулқо янги шакл қарор топмоқда, яратувчилик, янгича фикрлаш рағбатлантирилмоқда.

"Жаҳон" АА

### Хоразм вилояти

Янгириқ туманида пластик идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади. Мазкур замонавий ишлаб чиқариш корхонаси йилга 2,5 минг тонна полиэтилен ва полипропилен гранулаларини қайта ишлаш қувватига эга.

## 120 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти таъсисчилигида барпо этилган ушбу корхона Президентимизнинг 2017 йилнинг 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида худудда янги иш ўринлари яратиш, бозор талабига мос ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича берган тавсия ва кўрсатмаларни ижросининг маҳсулидир.

— Корхонамида ишлаб чиқариладиган пластмасса яшиқлар, чиқиндилар учун махсус контейнерлар, пластик поддонлар ва суюқликлар учун ҳар хил сизимли идишларга ички ва ташқи бозорда талаб катта, – дейди "Янгириқ пласт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳонгир Абдурахмонов. – Айниқса, вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотларни экспорт қилишда қадоклаш воситаси сифатида маҳсулотларимиз қўл келади. Чунки пластмасса идишларимизнинг чидамлилиги юқори ва вази энгил бўлиб, фақат бир томонга ортиш учун мўлжалланган. Бу эса экспортга жўнатилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи ошиб кетмаслигига имконият яратади.

120 нафар ёш мутахассис бандлиги таъминлаган корхонада ишчи-хизматчиларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган. Лойиҳанинг иккинчи навбати ишга тушган, иш ўринлари сони, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳамми ва тури янада ортади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

### Жиззах вилояти

Мирзачўл туманининг "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғини худудда 16 хонадонга эга икки қаватли замонавий турар-жой биноси ўз эгаларига топширилди. Янгиланган лойиҳа асосида қурилган хонадонларнинг учтасига уй-жойга эҳтиёжман, ногирон ва жисмоний имконияти чекланганлар эга бўлишди.

## УМРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛ БЎЛДИ

— Президентимиз совғаси бўлган ушбу уйлари қабул қилиб олдик, – дейди янги уй соҳибни, II гуруҳ ногирони Ёқуб Алимов. – Ўтган йил менинг хотирамда умрбод сақланиб қолади. Боиси Янги йилни оила аъзоларим билан ўз уйимда қутиб олдим. Турмуш ўртоғим Холжоной қасаначилик асосида тикувчилик қилади. Биз каби эътиборга муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга миннатдорлигимни меҳнатимиз билан изҳор этамиз.

Ушбу тadbирда Ёқуб Алимов сингари жисмоний имконияти чекланган оилалардан 17 тасига имтиёзли кредит асосида уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Шунингдек, 26 нафар катталар ва болаларга ногиронлик аравачаси, 17 та оилага эса тикув машинаси тақдим этилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

## «HIGHWAY LOGISTICS» МАРКАЗИ ХАЛҚОРО САВДО АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

— 2017 йил ҳолатига кўра, пойтахтимиз худудига кириб келган 30 минг юк автомобилларнинг ўртача 70 фоизини хорижий юк ташувчи автоуловлар ташкил этди. Шу маънода, бундай хизматларнинг марказимизда йўлга қўйилиши хорижий валюта тушумини оширишга ҳам хизмат қилади.

Марказда янада қулай шароитлар яратиш мақсадида мотель, миллий таомлар ошхонаси, автомобилларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш шохобчалари, эҳтиёт қисмлар дўкони, 150 ўринли автотўроғи, маҳсулотларни сақлаш учун музлаткич оғирлари, тезкор божхона ва брокерлик хизматлари йўлга қўйилган.

"Highway Logistics" маркази WMS Axelot оғирлари бошқаруши, "Hogmann" юк тушириш станцияси, хавфсизлик



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

мультимедиа маркази ва худудда узлуксиз видеокузатувни амалга оширадиган замонавий бошқарув тизимига эга.

Айни пайтда марказда бир вақтнинг ўзида 20 та юк машинасига юкларни расмийлаштириш, божхона кўригидан ўтказиш хизматлари кўрсатиш имконияти мавжуд. Жорий йилнинг иккинчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган "А" классдаги оғирнинг ишга тушиши билан бир вақтнинг ўзида қўшимча 30 автомобилга хизмат кўрсатиш мумкин бўлади.

— Президентимиз "Highway Logistics" марказида ташкил қилинган божхона бўлими, мавжуд техникалар, транспорт қатнови ва маҳсулотларни ортиси ҳамда етказиш тизими билан танишиш асносида қишлоқ хўжа-

гусида бу каби логистика марказларини ҳар бир вилоятда ташкил қилиш кераклигини айтди. Бу бизнинг фаолиятимизга берилган юқори баҳо бўлиши билан бирга, ўз ишимизга янада масъулият қилиб ёндашишга ундайди.

Ҳозирги кунда "Highway Logistics" замонавий логистика маркази темир йўллар, ҳаво, денгиз ва автомобиль йўлларидан фойдаланган ҳолда Эрон, Туркия, Россия, Болтиқбўйи мамлакатларидан келаётган юк автомобиллари учун транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, марказ мамлакатимиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг ўз маҳсулотларини минтақа ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, халқорой транспорт коммуникацияларига кенг миқёсда интеграциялашуви таъминлашга хизмат қилади.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

### Сирдарё вилояти

## ХАЛҚ МУЛКИГА ХИЁНАТ КЕЧИРИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Гулистон шаҳар бўлими томонидан Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов-интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш борасида шаҳар худудида мунтазам равишда мониторинглар ўтказиб боришмоқда.

Жумладан, 2017 йилнинг декабрида шаҳар худудида энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари юзасидан тегишли тартибда 118 та маъмурий иш кўзгатилди. Бунинг натижасида аниқланган 248417,3 минг сўмлик моддий зарарнинг 122561,6 минг сўми ундирилди. 116 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 43651,7 минг сўм, истеъмолчиларнинг энергия ресурслари учун 53106,6 миллион сўм жарима ундирилди. Шунингдек, бу йўналишда содир этилган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши кўзгатилди.

Хусусан, Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида рўйхатдан ўтган "Олмалиқмаҳсулмонтаж" МЧЖнинг Дўстлик канали ёқасида жойлашган вақтинчалик идорасида энергия ресурслари истеъмолининг қонунийлиги текширилганда, электрон электр ҳисоблагичдан ташқари электр тармоғига тўғридан-тўғри уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиб кели-

наётганлиги аниқланди. Текширув натижасида "Олмалиқмаҳсулмонтаж" МЧЖ раҳбари Б.Суванов Гулистон шаҳар электр таъминоти корхонаси манфаатларига 21,480,428 сўм 88 тиин зарар етказганлиги аниқланди, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилди. Етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Мевазор маҳалласида жойлашган озиқ-овқат дўконидан энергия ресурслари истеъмоли текширилганда ҳам бир қатор қонунбузилишлар аниқланди. Натижада дўкон эгаси Р.Дўсма-товга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорда маъмурий жарима жазоси қўлланилиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Шу билан бирга, бурчида давлат ва жамият ҳақида хиёнат қилаётган баъзи нопок назоратчилар ҳам учраб турганини эшитганимизда, шולי курмак-си бўлмайд, деган нақл ёдимизга тушади. Албатта, бундай қимсаларга нисбатан қатъий жазолар кўрилати. Масалан, "Гулистон шаҳар электр таъми-

ноти" корхонасида элек-тронмонтаж нозоратчиси вази-фасида ишлаган Қ.Умаров хизмат мавқеидан фойдаланиб, Намуна маҳалласида яшовчи Д.Куранова хонадонда вужудга келган қарздорликни ёпиб бериш эвазига "яхшилиқ" қилади. Унга санаси қайд этилмаган, рақамсиз "Аҳоли истеъмолчи-сининг қарздорлигини хатловдан ўтказиш бўйича далолатнома"ни тақдим этиб, 1 365 000 сўм пул ва 500 000 сўмлик мулкни фирибгарлик йўли билан ўзлаштирган. Мўмайгина пулларни эса албатта кассага эмас, кассасига тикиб, эҳтиёл-лари учун ишлатиб юборган. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли тартибда қонуний чоралар кўрилмоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўз-сиз ва ихтиёрий ижро этили-ши, энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши юза-сидан истеъмолчиларнинг ма-даниятини юксалтириш бўй-ича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга асосан оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш, уларни фа-олиятимиз натижалари тўғри-сида хабардор этиш, тегишли тартибда тadbирлар ўтказишга катта эътибор қаратялмиз.

Баҳождир БЕЙЗАҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Гулистон шаҳар бўлими бошлиғи.

### Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини олдидан Андижон шаҳрида "Миллий армиямиз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шiori остида армия ва ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Унда ҳарбий техникалар, жанговар қуроллар, ҳарбий-ларнинг турли спорт турлари бўйича кўргазмали чиқиш-лари намойиш этилди.

— Бугунги фестивал биз, ёшларни янада руҳлантир-ди, – дейди Андижон дав-лат университетини талабаси Ойгул Қурбонова. – Ватани-мизни ҳимоя қилиш, тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачи-дек сақлаш нафақат ҳарбий-ларнинг, балки бизнинг ҳам вазифамиз эканлигини яна бир бор англаб етдик.

— Бу каби тadbирлардан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни миллий армиямиз сафла-рида садоқат билан хиз-мат қилишга тайёрлашди, – дейди ҳарбий хизматчи, капитан Валижон Рустамов. — Бугун миллий армиямиз ҳар томонлама шаклланди ва техник жиҳатдан такомиллашди. Ватан тинчлиги, сарҳадлари дахлсизлиги учун хизмат қилиш шараф-дир. Умиджон МАМАРАСУЛОВ

Андижон вилояти

# ЁРҚИШЛОҚЛИКЛАРГА ОМАД ҲАМИША ЁР

Жалакудук туманидаги Ёрқишлоқ вилоятнинг жанубий нуқталаридан бирида жойлашган. Ушбу гўшадан Олой тоғи яққол кўриниб туради. Тоғ этагидан бошланадиган Оқбўрасой қишлоқ оралаб оқади. Шу боис қишлоқнинг табиати тамомилан ўзгача. Айниқса, ёзда шовуллаган боғлар, ишқомларда олтин рангга кирган узумлар сизни беихтиёр ўзига ром этади. Уларнинг харидори шу қадар кўпки, ҳатто олдиндан ўзаро ахдлашиб қўйишади. Давраларда қишлоқ аҳлининг дорчилик ҳамда боғдорчиликда эришган ютуқлари кўп бор тилга олинади. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар дониси бармоқдек келадиган турфа хил узумлар ёз бошигача аънанавий усулда сақланади.



Аслиддин даласи, "Қосимбек Қўлдошев даласи" каби фермер хўжалиқларида шартномага нисбатан 16-27 тоннагача қўшимча юқори сифатли пахта ҳосили тайёрланди. Маҳмуджон Тўхтасиновга қарашли фермер хўжалиғида ҳам ҳосилдорлик салкам 40 центнерни ташкил этди. Массив бўйича қўшимча тайёрланган пахта миқдори 200 тонна атрофида бўлди. Худди шундай натижа галлачиликда ҳам қайд этилгандики, шубҳасиз, бунда қишлоқ фермерларининг сардори Маҳмуджон Тўхтасиновнинг хизматлари бор. Юқорида қишлоқдан сой оқиб

Фермерларнинг орзуси ана шу насос станциясининг янгилаштирилиши билан ҳамоҳанг десак, тўғри бўлади.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясига ташрифи давомида Жаҳон банки раҳбарияти билан ўтказган музокаралари самарасида "Савай-Оқбўрасой" ирригация тизими бошқармасига қарашли каналлар, ариқлар, гидроиншоотлар, чунончи, "Савай" насос станцияси ҳам қайта қурилади. Яқинда Жаҳон банки экспертлари ишчи гуруҳи Ёрқишлоқда бўлишди. Тез кунларда Жаҳон банки кредити кўмағида ишлар бошлаб юборилади.

Сув таъминоти борасида қийинчиликлар борлиги сабабли айрим йилларда қўзланган ҳосилни олиш оғир кечади, — дейди фахрий ирригатор Юсуфжон ота Сотволдиев. — Бизнинг бу борадаги ниятимиз ижобат бўладиган кунлар яқин эканлигидан хурсандмиз. Ушбу масаланинг ечими билан боғлиқ ташкилий ишлар бораётганлиги ёшу қарини бирдек қувонтирмоқда. Бу ишнинг бошида турган Президентимизга миннатдорлик билдираемиз. Сув етиб борган жойда ҳаёт қайнайдиганлиги, қишлоғимиз аҳли ернинг ҳар қаричини эъзозлайди. Сув бўлса, билинган, қишлоғимиз доверуғини оширишга қодир зироатчилик янада юқори ҳоҳоналарга кўтарилади.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд вилояти

Зайтун инсон саломатлигини асрашда жуда самаралидир. Унинг ёғи кимёвий таркиби жиҳатидан она сутти таркибидagi мойга яқин туради. Греция, Италия, Испания каби йирик давлатлар энг катта даромаднинг айна зайтун мойидан олганликлари учун ҳам уни "суяқ олтин" дейишади.

## ОҚДАРЁДА «СУЮҚ ОЛТИН» ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Мана шундай хазинани юртимизда етиштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, Оқдарё туманида зайтунзор ташкил этиш ишлари қизгин кечмоқда.

Нобё ўсимликларни кўпайтиришга қизиққан учун 2015 йили ўз ҳисобидан Туркиядан 140 донга зайтун кўчати олиб келиб, хўжалигимиздаги 80 сотих майдонга эдик, — дейди "Оқдарё Машраббёк" фермер хўжалиғи раҳбари Мавлуда Ашурова. — Зайтун дарахти 4-5 йилда ҳосилга киради. Олтинчи йилга бориб, ҳар бир кўчат 90 килограммгача ҳосил бериб, ундан 30-35 литргача қимматбахо ёғ олиш мумкин. Икки йил давомида мутахассислар тавсияси асосида керакли озиқлантурувчи дорилар бердик. Зайтун парвариши жуда нозик экан. Бу дарахт 10 даражадан паст совуқ ва 40 даражадан ортиқ иссиққа чидамсиз. Шунинг учун ўтган йили ёз чилласида кўчатларимизнинг катта қисми куриб қолди. Шундай бўлса-да, барча имкониятни ишга солидик. Хориждан керакли дориларни келтирдик. Натижада 90 туп кўчатни асраб қолдик. Улар

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ, журналист.

Сирдарё вилояти

"Микрокредитбанк" Сирдарё филиали томонидан ёш тадбиркор Элдор Шерқўзиёвга 2016 йилда 300 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Натижада Мирзаобод тумани "Оқ олтин" СИУ ҳудудига "Сирдарё момиқ қуёнлари" агрофирмаси ташкил этилди.

## МОМИҚ ҚУЁНЛАРДАН МЎМАЙ ДАРОМАД

Ажратилган сармоя эвазига бу ерда қуёнхона қурилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, қуёнлар учун озуқа етиштириш мақсадида агрофирмага 2 та "МТЗ-80" русумли трактор, 1 та "КПР-1,5" беда ўриш агрегати ва тиркама сотиб олинди. Туман ҳокимлиги озуқа экинлари етиштириш учун 15 гектар ер ажратди. 5 гектар ерда беда, яна шунча майдонда маккажўхори етиштирилиб, қуёнлар мўл озуқа билан таъминланмоқда.

Италийдан 100 бош "Оқ великан" зотли қуён келтирилди. Улар сони ўтган давр ичида 5000 тадан ошди. Ҳар бир она қуён бир йилда 5-6 марта 6-7 тадан болашани ҳисобга олinsa, соҳанинг жуда сердаромад эканлиги ойдинлашади. Боз устига, унинг гўшти хушхўр бўлиши баробарида парҳезоб таом саналади. Агрофирмада боқилаётган қуёнлар уч ойда 4,5-5 килограммгача семирятти ва етилганлари бозорга чиқариляпти. Бундан ташқари, агрофирма жамоаси ўтган даврда республикамизда янги таш-

кил этилаётган қуёнчилик фермаларига 3000 дан зиёд зотли қуён етказиб берди.

Вилоятда белгиланган дастур асосида шу йилнинг ўзида ёш тадбиркорлар томонидан 10 дан ортиқ янги қуёнчилик фермалари ташкил этилди. Янги ташкил қилинган ёш тадбиркорларнинг ҳам "Сирдарё момиқ қуёнлари" агрофирмаси зотли қуёнлар билан таъминлади.

— Қуёнларнинг тез кўпайишини ҳисобга олиб, бу ерда озуқа цехини ҳам ишга туширдик, — дейди "Сирдарё момиқ қуёнлари" агрофирмаси иш бошқарувчиси Равшан Шерқўзиёв. — Эндиликда парҳез гўшт сақланадиган муҳона қурилишини лоёғига етказилди. Яна ҳам аҳамиятлиси, банкдан олган 300 миллион сўм кредитни бир йилдаёқ тўлади. Шунинг ўзига қуёнчилик сердаромад соҳа эканидан далolat беради. Ҳаракатларимиз самарасида ўн нафардан ортиқ коллеж битирувчиси доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Фарғона вилояти



ҚИШ ФАСЛИ - ИШ ФАСЛИ

Фарғоналик ирригаторлар шўр ювиш, ерларни яхоб сувига қондириш, суғориш тармоқларини тозалаш ва улардаги иншоотларни таъмирлаш ишларини жадаллик билан олиб бормоқдалар.

## ДАЛАЛАР ЧИЛА СУВИГА ҚОНМОҚДА

— Тизимдаги барча мутахассислар, ишчи ва хизматчилар қиш фаслини қизгин иш фасли, деб билиб, гайрат билан меҳнат қилишмоқда, — дейди "Сирдарё-Сўх" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор Аъзамжон Раҳматиллаев. — Шу ой охиригача вилотимиздаги 2871 та фермер хўжалиғига қарашли 55 минг 397 гектар ерда биринчи ва айрим ерларда иккинчи марта шўр ювиш ишларини бажариш режалаштирилган. Ҳозирги кунда чөл олинган майдонларда шўр ювиш ишлари ўз вақтида бажарилмоқда. 12 та туманда, 82 та сув истеъмолчилари уюшмаларида суғориш штаблари ҳамда 98 та суғориш отрядлари тузилган бўлиб, уларда 2760 нафар сув хўжалиғи ва сув истеъмолчилари уюшмалари ходимлари, 5 минг нафардан ортиқ фермер хўжалиқлари сувчилари фаол иштирок этишмоқда. Вилот ҳокимлиги ташаббуси билан чөл олиш ва шўр ювиш тадбирларида сидқидилдан меҳнат қилаётганларнинг 3 минг нафарига қишқи кийимлар, этиклар тарқатилди. Айтиш жоизки, мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

ратив таркиби ҳисобга олинб, ҳудудлар бўйича қиш мавсумида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди. Ирригация-мелиорация тадбирлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, амалий семинарлар ўтказилди. Тизим ва тармоқлар раҳбарлари, мутахассислар, миришкорлар иштирок этган тадбирларда чөл олиш, ерни шўр ювишга тайёрлаш, шўр ювиш, хўжалиқлараро ва хўжалик ички ариқларини тозалаш, "шарбат ховузлари"ни ҳозирлаш, сув олиш "қулоқ"ларини жиҳозлаш, сув иншоотлари ва насос агрегатларини таъмирлаш каби юмушлар бўйича назарий ҳамда амалий машғуллар ўтказилди.

Ҳозиргача 40 минг гектардан кўпроқ экин майдонларида шўр ювиш ишлари бажарилди. Бу белгиланган режа қарийб 78 фоизга уқдаланганини кўрсатади. Вилот тегираничи экспедицияси раҳбари ўринбосари Комилжон Уринбоевнинг айтишича, айна пайтда туманларда шўр ювиш ишларини сифатли яқунлаш билан бирга ирригация бўлимлари, насос станциялари, каналлар, ариқ ва зовур бўйларига ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, иссиқхоналар, ёрдамчи хўжалиқлар барпо этиш ишлари ҳам жадаллик билан давом этириляпти.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий вилояти

## УЛУҒ НИЯТ БИЛАН ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Олатда йил бошида ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, келгусидаги режалар белгилаб олинади. Вилотда ўтган 2017 йилда иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида улкан ишлар амалга оширилди, салмоқли марралар забт этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан саноат корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаол инвестиция сўёсати амалга оширилиб, Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасида 2017-2026 йилларда 27 та лойиҳани амалга ошириш бўйича муҳим қадамлар ташланди.

Айниқса, Президентимизнинг вилотга қилган ташрифи чоғида Навоий кон-металлургия комбинати тизимида Ауминзо-Амантой олтин конлари негизига 5-гидрометаллургия заводи қурилишига тамал тоши қўйилгани вилот иқтисодийни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, келгусида "Навоийазот" корхонасида қиймати 1,7 миллиард АҚШ доллар бўлган 3 та лойиҳа босқичма-босқич равишда амалиётга татбиқ этилади. "Навоий иссиқлик электр станцияси" корхонасида қурилаётган лойиҳа қиймати 547,2 миллион долларлик қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси жорий йилда фаолият бошлайди.

Бундан ташқари, 2019-2021 йилларда яна бир 450 МВт қувватга эга учинчи буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

"Навоий" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилгандан буён жами 161 миллион АҚШ доллар миқдорига инвестиция киритилган бўлиб, уларнинг 35,4 фоизга яқини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳи-

собрланади. Бугунги кунда ҳудудда 22 та корхона самарали фаолият юритмоқда. Улар томонидан 150 дан ортиқ турдаги экспортбоп, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур зонада 2017 йил давомида 10,9 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида 285 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса яна 5 та лойиҳани амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Ўтган йилда вилот бўйича ҳудудий корхоналар томонидан 26,4 миллион АҚШ долларлик саноат маҳсулотлари ва 16,5 миллион АҚШ долларлик мева-сабзавот экспорти амалга оширилди. Бунда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ошди.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йил давомида туман-шаҳар тиббиёт

бирлашмалари ҳамда оилавий поликлиникаларга 1 миллиард 167 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар келтирилиб, 23 та тез тиббий ёрдам автомашинаси тизимдаги муассасалар ихтиёрига топширилди. Вилотда қисқа вақт ичида 147 та қишлоқ врачлик пунктлари негизига 34 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ташкил этилди. Соҳадаги бу янгиликлар саломатлиқни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Фуқароларимизнинг кўп йиллик орзуси бўлган уй-жой билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, шаҳарларда арзон кўпқаватли уйлари қуриш дастурига асосан 2017-2020 йилларда Навоий шаҳрида 1218 хонадонли 29 та уй қурилиши белгиланган. Ўтган йилда 5 та 7 қаватли турар жой биноларининг фойдаланишга топширилиши натижасида вилотдаги 210 та оила янги йил байрамини янги хонадонларда қутиб олишди.

Этиборлиси, навоийликлар янги йилни ҳам ўзгача шижоат, кўтаринки кайфият билан янги меҳнат зафарларини қўзланган ҳолда бошлашди.

Отабек АСЛОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ҚУТЛОВ

**ШОВОТ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

барча юртдошларимизни 2018 йил билан самимий муборакбод этади.

Жалқимизга мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайди.

Қалбингизни қувонч, дастурхонингизни қут-барақа, хонадонларингизни шоду хуррамлик асло тарк этмасин.

Янги йилда янги орзулар, янги режалар, улкан мақсадлар рўёби барчамизга ҳамроҳ бўлсин!

2018

Ислон уммати Аллоҳнинг амру фармонларига, жумладан, соғлиқни сақлаш борасидаги таълимотларига тўлиқ риоя қилган даврларда ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида бўлгани каби бу борада ҳам пешқадам бўлган. Биргина мисол келтирайлик.

ЕНГЛАР, ИЧИНГЛАР, АММО ИСРОФ ҚИЛМАНГЛАР

Хорун ар-Рашиднинг саройида бир насроний табиб бўларди. Динимизнинг бағрикенглигини қарангли, халифанинг табиби насроний эди. Муслмонларнинг раҳбари ўзининг соғлиғини, ҳаётини бир насронийга ишонган даврлар эди бу. Уша табиб муслмон уламолардан бирига "Сизларда тиб илм ҳақида, тиббиёт ҳақида бирорта китоб йўқ экан", деганида у зот "Аллоҳнинг китоби Куръонда тиб бир оятнинг ярмига жойлаштирилган", деб жавоб берган эканлар.

Бу – "Енглари, ичинглари, аммо исроф қилманглари", деган ояти қаримадир. Бу оятни юзаси тушунмаслик керак. Биз исроф деганда ортиб қолган овқатни тўқиб юборишни тушунадиган бўлиб қолганмиз. Аслида тўқ қоринга овқат ейиш ҳам исрофдир. Саломатлиқни зое қилиш ҳам исрофдир.

Ҳазрати Али розияллоху анху ўғиллари Ҳасан розияллоху анхуға шундай насиҳат қилганлар: "Ўғлим! Мен сенга бир насиҳат қиламан. Агар шу насиҳатларимга амал қилсанг, сенга табибнинг ҳолати йўқ. Биринчи: қорнинг очмагунча таомга ўтирма. Иккинчи: қорнинг тўймасидан таомдан тўхта. Учинчи: овқатингни яхшилаб чайна. Туртинчи: уйкудан олдин ҳолатга

бориб кел". Бу насиҳатларни таҳлил қилсак, кўп-кўп ҳикматлар келиб чиқади. Ҳозирги замон илм-фани, хусусан, тиббиёт фани бу ҳикматларнинг айна ҳақиқат эканини тасдиқлади. Аммо орадан ўн тўрт аср ўтгандан кейингина, узоқ йиллик тажрибалардан, кўплаб хатолардан сўнг шу хулосага келди.

Минг афсуски, бугунги кунда биз мўмин-муслмонлар бу насиҳатларга амал қила олмаганмиз. Шунчалик шошма-шошиқчи, вақтимиз бўлгандагина, икки ишнинг орасида, қорнимиз очмаса ҳам, кейин вақт бўлмайди деб, овқат еб оляпмиз. Кўпроқ нарсага улгуришимиз керак деб, овқатни мўътадил чайна олмаганмиз.

Муҳаммад ибн Фазл Балхий: "Очлик – Аллоҳнинг ер юзидagi таомидир, у билан хаста қалбларни тўйдирди", деган эканлар. Бунинг маъноси шунки, инсон рўза тутса, жисмини риёзат билан тарбияласа, руҳ озикларини, чиниқар, тарбияланар экан.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ, Юнусобод тумани бош имом-хатиби, Тошкент Ислон институти ўқитувчиси, "Мирза Юсуф" жоме масжиди имом-хатиби.

Сурхондарё вилояти

Термизда "Сурхондарё – буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари" номи китоб-альбомнинг тақдиротида бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар нашр тарихий маълумотларга бўйлиги, ранг-баранг суратлари билан китобхоналарга манзур бўлишини таъкидлаб, келгусида мактаб кутубхоналарида электрон вариантини жойлаштириш ҳақида таклиф билдиришди.

БУЮК ЎТМИШДАН ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

Китоб-альбомда вилоятнинг ўтмиши, тарихий қадимжолари ва обидалари, археологик ёдгорликлари, ҳозирги кунги бетақор тарихи, маданияти, урф-одату аънаналари ўз аксини топган. Вилоят ҳокими Э.Турдимов, ишчи гуруҳ аъзолари Р.Қўчқоров, Ш.Пирдаев, С.Аҳмедов, Ф.Шаринов, Ф.Эргашев, Б.Тургунов, Е.Рябова, С.Турсунов, З.Алимардонова, Ш.Соҳибов сингари фидойиларнинг меҳнати махсули бўлган нашр Корея, Хитой ва Озарбайжон давлатларида ҳам қизиқиш уйғотди.

– "Сурхондарё – буюк ўтмишдан ёрқин келажак сари" китоб-альбомда воҳанинг ўтмиши ва бугуни акс этган, – дейди муҳаррир Зебо Алимардонова. – Унинг дастлаб-

ки бобида инсоният тамаддунининг бешиқларидан бўлган Тешиктош ҳамда Мачай горлари, улардан топилган ашёлар, Зарватулло қотшош суратлари, грек мифологиясида айтиб ўтилган, аммо Грециянинг бирор ҳудудига учрамаган лабиринтлар воҳанинг бронза даври маданиятига оид Сополлитена ёдгорлиги мейморчилигида учраши, Қоратела, Фаёзтепа, Зурмала, Далварзинтепа ва Ҳолчаён ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар рангли суратлар ҳамда қизиқarli ҳикоя тарзида баён этилган.

Китоб-альбом ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган бўлиб, барча ёшдаги китобхоналар доирасига мўлжалланган.

Дилфуза Жўраева, "Qishloq hayoti" мухбири.



Мухтожлик Мен фикрларимни эшитувчиларга қараганда эшитганлари ҳақида адолатли фикр билдирувчиларга кўпроқ мухтожлик сезаман.

Яхши барибир яхшиликча қолади Кўп кузатдим: яхши олим-

нинг ёмон одам бўлиш эҳтимоли жуда паст.

Зулматда зиё Ёш олимлар зулматдан ҳам, сокинликдан ҳам озикланиш санъатини эгаллашга ҳаракат қилмоқлари даркор. Зеро, бир файласуф айтганидек, донолар зулматда зиёни кўрадилар, сокинликда қалб сасини эшитадилар.

Хурмат-эҳтиромнинг кўтаримлик бўлгани яхши Ортиқча иззат-икромнинг юки оғир – сёқни чалиштириб юборади.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ, профессор.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ҲАЙРАТЛАР ЎЛКАСИГА САЁҲАТ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигига 25 йилдан ошди. Чорак аср давомида икки давлат ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил май ойида Хитой Халқ Республикасига таширифидан сўнг узаро манфаатли алоқалар янада раванқ топмоқда. Янги йил арафасида ушбу мамлакатга уюштирилган медиатур даврида буни янада чуқур ҳис этдик.

Чин давлати, унинг бой тарихи, тиниб-тинчимас халқи ҳақида кўп ўқиганмиз. Тарихий обидаларини, замонавий шаҳарларини телевизорда томоша қилиб, хайратга тушганмиз. Уларни ўз кўзимиз билан кўриш орзу эди. Шўқри, истиқлол боис ниятимизга етганмиз. Сафар олдида медиатур гуруҳининг ҳар бир аъзоси қалбини ана шундай ўй-хаёллар чулғаб олганди...

Самолёт тонгда Пекин, хитойликлар тилида Бейжинг осмонда пастлади. Ниҳомимиз ранго-ранг чироқлар ёғдусида порлаб турган улкан мегаполис, осмонўпар бинолар, турнақатор автомобилларга тушди.

Сафарнинг биринчи кунги ғоят ҳаяжонли ва эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Кўпқаватли тижорат марказида Ўзбекистон-Хитой бизнес форумида иштирок этдик. Тадбирда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик доираси кенгайиб бораётганлиги таъкидланди. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари, айниқса, туризм соҳасини ривожлантириш учун ғоят мақбул инфратузилмалари ҳақида маълумот берилди. Хитой оммавий ахборот воситалари вакиллари юртимизнинг бой имкониятларига ғоят катта қизиқиш билдириб, кўплаб саволларга жавоблар олишди. Тадбир якунида етти нафар ўзбекистонлик тадбиркор хитойлик ишбилармонлар билан иқтисодий-тибурли соҳаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзолади.

Хитойнинг "Green international trade co limited" компанияси билан 1 миллион АҚШ доллари қийматида қуруқ меваларни ётказиб бериш юзасидан келишувга эришдик, – дейди Сирдарё вилоятидаги "Баҳромжон нур савдо" масъуляти чекланган жамияти раҳбари Аббор Тошматов. – Серкуёш юртимизда етиштирилган бодом ва майизга хитойликлардан буюртма олдик. Шу билан бирга мош ва ловия экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик таълим соҳасида ҳам кенгаймоқда, – дейди сўхбатимизга қўшилган Пекин кимё технологияси университетини докторанти Элмурод Этамбердиев. – Хитой олийгоҳларида ўнлаб ёшларимиз таълим олишмоқда. Мен бу ерда базальт чиқариладиган маҳсулотлар ва мобил қурилмалар, телекоммуникация тизимлари турли шароитларда синаб кўрилар экан. Жумладан, бирйўла минглаб смартфонлар дастурий синовдан ўтказилляпти. Уларнинг турли таъсирларга, яъни ҳар хил баландликлардан тушиб кетиши ёки зарбага бардошлилиги ва бошқа жиҳатларга чидамлилиги такрор текшириб боришмоқда. Антеналарнинг сифат кўрсаткичлари ҳам ўрганилмоқда. Шу тариқа мурақаб текширувлар смартфон ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон базоридаги сифат кўрсаткичларининг кафолатлишига асос бўларкан.

Бизнес форум доирасида икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида

Кейинги кун эса келажак шаҳри, дея эътироф этилган Шеньчжен сари парвоз қилдик. Денгиз соҳилидаги бу мўъжизавий шаҳарга кундузи етиб борганимиз боис унинг кўркам қиёфасини фалақдан туриб томоша қилдик. Бири бирига ўхшамайдиган бетақор, осмонўпар бинолар ям-яшил дов-дарактлар, чаман бўлиб очилган гуллар би-



лан қуршаб олинганди гўё. Ана, ўхшаши йўқ, бағоят гўзал манзаралар... Соҳилга туташ худудлардаги мафтуронлиқни таърифлаш эса ғоят қийин эди.

Хитойга сафаримиз дастуридан бежиз Шеньчжен ўрин олмаганди. Чунки дунёга машҳур "Huawei" компаниясининг бош қароргоҳи шу шаҳарда жойлашган. Компанияга асос солинган кундан ҳозирга қадар эришилган ютуқларнинг ғояси шу заминда яратилиб, амалиётга жорий қилинган.

Бизни бош офисда компания менежерлари мамнуният билан кутиб олишди. Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган учрашувлар чоғида компаниянинг ўтмиши, бугуни ва эртаси билан таништиришди. Замонавий ахборот-коммуникациялар бозорини компания бренди эришайтган юксак натижаларнинг омилли инновацион ғоялар ва энг илғор технологияларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият берилганлигида эканлиги амалиётга таъкид этилаётган лойиҳалар тақдимотида ўз ифодасини топди.

Ҳамжиҳатликда астойдил ҳаракат, тинимсиз ишлаши ва жаҳон базорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш компанияда ишловчи 170 мингдан зиёд хитойнинг муштарак мақсадига айланган.

Энг муҳими, компания йиллик даромадининг 10-15 фоизи илмий-тадқиқот йўналишига сарфланар экан. Дунёнинг 16 мамлакатиди илмий марказларда "Huawei"

маҳсулотларини такомиллаштириш учун янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Компаниянинг телекоммуникациялар кўргазмаси намойиш этилаётган муҳташам залига саёҳат гуруҳимиз аъзоларини таажубубга солди. Чунки янги аср технологиялари нималарга қодир, илмий изланишлар қандай ажабтовур сам-

ралар бераётганлиги афсонавий ишланмаларда яққол намойиш бўлганди. "Ақлли уй", "Ақлли тиббиёт", рақамли операциялар трансформацияси ва бошқа ишланмалар "Ақлли шаҳар" концепциясида бир тизимга бирлашади.

"Хавфсиз шаҳар" лойиҳасидан тортиб замонавий телекоммуникациялар тизими, нефть-газ комплекси, электр энергияси таъминоти, коммунал соҳалар фаолияти видеоназорати, йўл ҳаракати хавфсизлиги кузатуви ва бошқа ўнлаб ишланмалар, энг янги алоқа воситалари эътиборимизга ҳавола этилди.

Шу ўринда хитойлик кашфиётчиларнинг ҳозирги замон телевизион тиббиётини шакллантириш борасидаги изланишлари ҳам диққатимизни тортиди. Таъкидлашларича, яратилган қурилмалар воситасида масофадан туриб бемор билан мулоқот қилиш, касалликларни аниқлаш ва ташхис қўйиш, доволаш юзасидан маслаҳатлар бериш мумкин. Бундан ташқари жарроҳлик амалиётларини ва бошқа тиббий жараёнларни видеоконференция тизими ёрдамида тўғридан-тўғри талабалар таҳсил олаётган ёки шифокорлар малакасини ошираётган масканларга узатиш имкониятлари яратилган.

Кўргазма билан танишиб бўлган, автомашинада Дуанган шаҳри сари йўл олган пайтимизда мамлакатимизда улкан тарихий воқеа – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатнома-

си тақдим этилгани ва 2018 йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилганлиги ҳақидаги хушxabарни олқишлар билан қутиб олдик. Чунки, эркин тадбиркорлик шароитида инновацион ғоялар ва замонавий технологиялар раёбатлантирилаётганлиги биргина "Huawei" тимсолида қанчалар беқиёс самаралар бераётганлигига ҳозиргина амин бўлгандик.

Мурожаатномада Ватанимиз равнақи, унинг тараққиётини янада жадаллаштиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилибди. Уларни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини дилдан ҳис этдик.

Дуанганда янги аср технологиялари таъбиқ этилган, мукаммал инновациялар ишлаб чиқаришга жорий қилинган корхона фаолияти билан танишдик. Бу ердаги ишлаб чиқариш қувватларининг серхам сулғи, автоматлаштирилганлиги чиндан ҳам ҳавас қилса арзийдиган даражада. Тайёрланган смартфонларда энг янги инновацион ғоялар муҳассамлашган.

Сафар якунида "Huawei" компаниясининг Шеньчжендаги қароргоҳи ташқи алоқалар бўлими вице-президенти Уолтер Женингс бизни қабул қилди. Мулоқот ғоят қизиқarli тусда ўтди. Жаноб Женингс компаниянинг истиқболдаги режалари хусусида сўзлаб берди. Жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик доираси янада кенгайиб бораётганлигидан мамнунлигини айтди.

Ўзбекистон биз учун энг ишончли ва самарали ҳамкор, – деди Уолтер Женингс. – Мамлакатимизда ўнлаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ўз хиссамизни қўшяллик. "Huawei" Ўзбекистондаги фаолиятини янада кенгайтириш учун интиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат таширифи чоғида имзоланган шартномага мувофиқ барча йўналишлар бўйича изчил ишлар олиб борилляпти.

Сафар дастуридан туристик йўналишлар, турли-туман маданият тадбирлар ҳам ўрин олганди. Шеньчжендаги миллий боғнинг таровати бизни лол қолдирди. Миллий рақс театрининг замонавий технологиялар воситасидаги ажабтовур чиқишларини завқу шавқ билан томоша қилдик. Энг эсда қоларли саёҳат тоғлараро ўтган, кўҳна Чин мейморчилигининг улкан ва ноёб намунаси – Буюк Хитой девори мажмуасида кечди. Бу ҳақда соатлаб гапириш мумкин. Бугунги кунда мазкур тарихий иншоот Хитойга келаятган минг-минглаб саёҳатчиларнинг таассуротларга бой зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Ҳайратлар ўлкасига саёҳат чиндан ҳам самарали яқунланди. Дунё кўриш инсон тафаккурини бойитишда муҳим аҳамият касб этишини яна бир қарра дилдан ҳис этдик.

Абдулла ҲОЗИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for TRAKTORB.OZ featuring images of tractors and text: «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ. (+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125. Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вазирлиқнинг ошхонасини миллий, европа ҳамда парҳез таомлар тайёрлаб ишлашти бўйича танлов эълон қилади. Таклифлар жорий йилнинг 14 январигача қабул қилинади. Таклифларни info@agro.uz электрон манзилига жўнатиш сўралади.

Table with 2 columns: Company Name and Address/Contact Info. Includes entries for 'Yona dar' and 'Yona dar' companies.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси тахририяти жамоаси бosh муҳаррир ўринбосари Анвар Қўлмуродовга отаси Ботир Қўлмуродовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихроҳ этади.

QISHLOQ HAYOTI logo and contact information: МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехна комплекс тарихийдаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлиги ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳоридин ЮСУПОВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шўҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР ҲАБИБ ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚўЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодибир ЙўЛДОШЕВ (Масъул котиб). Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иқтисодий-савий ва хуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04. web say: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04. Вилоятлар: Андижон (+99893) 630-73-03, Бухоро (+99891) 401-29-59, Жиззах (+99893) 940-10-78, Наманган (+99891) 332-50-99, Самарқанд (+99893) 948-53-86, Фаргона (+99890) 407-76-03, Сурхондарё (+99893) 994-57-08, Сирдарё (+99894) 168-23-60, Сурхондарё (+99890) 844-44-11, Тошкент (+99890) 976-39-58, Хоразм (+99897) 790-47-61, Қашқадарё (+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-113, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнёр Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланган. 21542 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 02.20.

ISSN 2010-7021. Barcode and contact info: Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШЕВ, Мусахҳас: Д.КОМИЛЖОНОВА.